



Жанубий Қозоғистон

1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган
Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

2026 йил 7 февраль, шанба, №14 (3660).



Президент



ПОКИСТОН — ҚОЗОҒИСТОННИНГ ЖАНУБҒИЙ ОСИЁДАГИ ИШОНЧЛИ ҲАМКОРИ

Kazinform. Қозоғистон Президенти Қасим-Жумарт Тўқаев ва Покистон Президенти Осиф Али Зардори ўртасидаги музокаралар икки давлат делегациялари иштирокида кенгайтирилган таркибда ўтди.

Президент Исломободда давлат ташрифи билан илк бор ташриф буюраётганини таъкидлаб, уни икки давлат ўртасидаги ҳамкорлик муҳим ва тарихий босқич эканлигини таъкидлади.

— Халқларимизни Буюк Ипак йўли ва ислом тамаддуни доирасида асрлар давомида шаклланган дўстлик боғлаб туради, — деди Қасим-Жумарт Тўқаев.

Давлат раҳбари Покистон Қозоғистон мустақилликка эришган илк йиллардан буён Жанубий Осийдаги муҳим ва ишончли ҳамкор эканлигини қайд этди.

Шунингдек, у учрашув доирасида имзоланган Стратегик ҳамкорлик тўғрисидаги қўшма декларация икки томонлама муносабатларни янги босқичга олиб чиқишни маълум қилди.

Учрашувда савдо-иқтисодий ва сарможий ҳамкорликни ривожлантириш, транспорт-логистика алоқаларини кучайтириш ҳамда халқаро ташкилотлар доирасидаги ўзаро ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди.

Қ. Тўқаев ва Шаҳбоз Шариф Қозоғистон-Покистон бизнес анжуманида иштирок эттиди.

Давлат раҳбари ўз нутқида Бош вазир Шаҳбоз Шарифга ушбу муҳим тадбирни ташкил этиш ташаббуси билан чиққани учун миннатдорчилик билдирди.

Анжуман доирасида 200 миллион доллар яқин 30дан зиёд шартномалар имзоланди.

Президент Қасим-Жумарт Тўқаев Покистоннинг энг олий давлат мукофоти — «Nishan-e-Pakistan» ордени билан тақдирланди.

Исломобод шаҳрида ўтган тантанали маросимда Покистон Президенти Осиф Али Зардори ва Бош вазир Шаҳбоз Шариф Қозоғистон Президентига ушбу орденини топширди.

«Nishan-e-Pakistan» ордени мамлакат олдидаги алоҳида хизматлари учун Покистон фуқаролари ва хорижий давлат, сиёсий ҳамда жамоат арбобларига берилди.

Маросимда ҳукумат аъзолари, парламент депутатлари, Қуролли кучлар олий қўмондонлиги ва дипломатик корпус вакиллари иштирок этди.

НУРАЛХАН
КӨШЕРОВ

Туркистон облысының әкмі

19.02.2026 Ж.

11.00

Жеке қабылдауға жазылу бойынша байланыс құралдары:

8 (72533) 5-98-99, 5-93-97, 5-98-80

ТУРКИСТОН ШАҲРИ АҲОЛИСИ ДИҚҚАТИГА!

Қозоғистон Республикаси Президентининг 2022 йил 3 мартдаги “Ҳокимларнинг аҳоли билан учрашувларини ўтказиш тўғрисида”ги 826-сонли Фармоннинг ижроси доирасида Туркистон вилояти ҳокими Нуралхан Уралбайули Кўшеровнинг Туркистон шаҳри аҳолиси билан учрашуви 2026 йил 19 февраль кун соат 11:00да Туркистон шаҳар Маданият уйида ўтади.

Шунингдек, вилоят ҳокимининг шахсий масалалар бўйича қабули соат 12:00да Туркистон шаҳар ҳокимлиги биносида (Туркистон шаҳри, Амир Темура кўчаси, 28-уй) ўтказилиши маълум қилинади.

Вилоят ҳокимининг шахсий қабулига ёзилиш 2026 йил 17 февраль кунга қадар ҳар кун соат 09:00дан 19:00гача (тушки таънаффус: 13:00–15:00) 8 (72533) 5-98-99, 5-93-97, 5-98-80 телефон рақамлари ҳамда «Е-өтініш» ахборот тизими орқали амалга оширилади.

Тегишли идоралар иштирокини таъминлаш ва самарали мулоқотни йўлга қўйиш мақсадида мурожаат қилувчининг исми-шарифи, масаланинг мазмуни, яшаш манзили, алоқа телефони ҳамда электрон почта манзили (мавжуд бўлса) аниқ кўрсатилиши шарт.

ҚОЗОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИНING 2026 ЙИЛ 30 ЯНВАРЬ КУНИ ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ЛОЙИҲАСИ АХБОРОТ ТАРЗИДА ЎЗБЕК ТИЛИДА ТАҚДИМ ЭТИЛМОҚДА. РАСМИЙ МАТН – GOV.KZ САЙТИДА ЧОП ЭТИЛГАН ДАВЛАТ ТИЛИДАГИ НУСХА ҲИСОБЛНАДИ.

ЛОЙИҲА

ҚОЗОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ

Биз, Қозоғистоннинг ягона халқи, азалий қозоқ заминида давлатчиликни мустақкамлаб, Буюк Даштнинг минг йиллик тарихи ворислигини сақлаган ҳолда, давлатнинг бир бутунлигини, унинг чегаралари дахлсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини тасдиқлаб, Адоллатли Қозоғистон госяси ҳамда Қонун ва Тартиб тамойилига амал қилган ҳолда, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига қатъий риоя этилишини эълон қилиб, бирлик ва ҳамжиҳатлик, миллатлараро ва конфессиялараро тотувлик тамойилларига таяниб, маданият ва таълим, фан ва инновациялар қадриятларини қарор топтириш, табиатга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга астойдил аҳд қилиб, барча мамлакатлар билан тинчлик ва дўстликка интилиб, келажак авлодлар олдидаги юксак масъулиятимизни англаган ҳолда, Қозоғистон Республикасининг Асосий Қонуни – ушбу Конституцияни қабул қиламиз.



I БЎЛИМ КОНСТИТУЦИЙВИЙ ТУЗУМ АСОСЛАРИ

1-модда

Қозоғистон Республикаси – демократик, дунёвий, ҳуқуқий ва ижтимоий давлатдир. Давлатнинг энг олий қадриятлари – инсон, унинг ҳаёти, ҳуқуқ ва эркинликларидир.

2-модда

1. Қозоғистон Республикаси – яхлит давлатдир. Бошқарув шакли – президентлик республикаси.

2. Қозоғистон Республикасининг эгаменлиги унинг бутун ҳудудига татбиқ этилади. Давлат ўз ҳудудининг яхлитлиги, дахлсизлиги ва ажралмаслигини таъминлайди.

3. Қозоғистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тузилиши конституциявий қонун билан белгиланади.

4. Қозоғистон Республикасининг пойтахти – Астана шаҳри. Пойтахтнинг мақоми қонун билан белгиланади.

5. Давлатнинг «Қозоғистон Республикаси» ва «Қозоғистон» деган номлари бир маънони англатади.

6. Қозоғистон Республикасининг эгаменлиги, мустақиллиги, бир бутунлиги, ҳудудий яхлитлиги ҳамда бошқарув шакли ўзгармасдир.

3-модда

1. Қозоғистон Республикаси фаолиятининг асосий тамойиллари қуйидагилардан иборат: эгаменлик ва мустақилликни ҳимоя қилиш; инсон ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этиш; қонун ва тартиб устуворлигини таъминлаш; умуммиллий бирликни мустақкамлаш; халқ фаровонлигини ошириш; масъулиятли, бунёдкор ватанпарварлик госясини илгари суриш; жамиятда мулоқотни ривожлантириш; меҳнатсеварлик, тарақиёт, билим қадриятларини қарор топтириш; юксак экологик маданиятни шакллантириш; тарихий-маданий меросни сақлаш; миллий маданиятни қўллаб-қувватлаш.

2. Қозоғистон Республикаси инсон капитали, таълим, фан ва инновацияларни ривожлантиришни давлат фаолиятининг стратегик йўналиши сифатида тан олади.

4-модда

1. Давлат ҳокимиятининг ягона манбаи ва эгаменлигининг эгаси Қозоғистон халқидир.

2. Халқ ҳокимиятини умумхалқ референдуми ва эркин сайловлар орқали бевосита амалга оширади, шунингдек, ўз ҳокимиятини амалга оширишни давлат органларига ваколат сифатида топширади.

3. Қозоғистон Республикасида ҳокимиятни ҳеч ким ўзлаштириб олиши мумкин эмас. Ҳокимиятни ўзлаштириш қонун билан таъқиб этилади. Халқ ва давлат номидан чиқиш ҳуқуқи Қозоғистон Республикаси Президентига, шунингдек, Қозоғистон Республикаси Қурултойига унинг конституциявий ваколатлари доирасида тегишлидир. Қозоғистон Республикаси Ҳукумати ва бошқа давлат тузилмалари давлат номидан уларга берилган ваколатлар доирасида иш юритади.

4. Қозоғистон Республикасида давлат ҳокимияти ягонадир ва Конституция ҳамда қонунлар асосида, уни қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти тармоқларига бўлиш ҳамда уларнинг ўзаро ҳамкорлиги тамойилига мувофиқ амалга оширилади.

5-модда

1. Қозоғистон Республикасининг амалдаги ҳуқуқи – Конституция меъёрлари, унга мувофиқ қонунлар, Қозоғистон Республикаси Конституциявий Суди ва Олий Суди қабул қилган меъёрий қарорлар, бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда Қозоғистон Республикасининг халқаро шартномавий мажбуриятларидан иборат.

2. Конституция энг олий ҳуқуқий кучга эга бўлиб, Қозоғистон Республикасининг бутун ҳудудида бевосита амал қилади.

3. Қозоғистон Республикаси ҳудудида халқаро шартномаларнинг амал қилиш тартиби қонунлар билан белгиланади.

4. Барча қонунлар ва Қозоғистон Республикаси томонидан ратификация қилинган халқаро шартномалар оммавий ахборот воситаларида чоп этилади. Фуқароларнинг ҳуқуқ, эркинлик ва мажбуриятларига дахлдор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни расман эълон қилиш уларни қўллашнинг мажбурий шарти ҳисобланади.

5. Фуқароларга янги мажбуриятлар юклайдиган ёки уларнинг аҳолини оғирлаштирадиган (қилишни жиноят деб ҳисоблайдиган, жазони кучайтирадиган ёки шахснинг ҳолатини бошқача тарзда ёмонлаштирадиган) қонунлар орқага қайтиш кучига эга эмас.

Агар янги қонун меъёрлари аввал содир этилган ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликни бекор қилса ёки енгиллатса, қўлланилади.

6. Қозоғистон Республикасининг айрим ҳудудларини жадал иқтисодий ривожлантириш мақсадида конституциявий қонунларга мувофиқ молия соҳасида махсус ҳуқуқий тартиб ёки «жадал тарақиёт шаҳарлари» махсус ҳуқуқий тартиби жорий этилиши мумкин. Қайд этилган махсус ҳуқуқий тартиблар давлат бошқарувининг ўзига хослиги ва суд тизими фаолиятини назарда тутиши мумкин.

6-модда

1. Қозоғистон Республикасида мафқуравий ва сиёсий хилма-хиллик эътироф этилади. Давлат тузилмаларида сиёсий партияларнинг ташкил этилишига йўл қўйилмайди.

2. Жамоат бирлашмалари қонун олдида тенг ҳисобланади. Давлатнинг жамоат бирлашмалари ишларига ноқонуний аралашшига ва жамоат бирлашмалари давлат ишларига аралашшига, шунингдек, жамоат бирлашмаларига давлат тузилмалари вазифаларини юклаганга йўл қўйилмайди.

3. Мақсади ёки ҳаракатлари Конституциявий тузумни зуравонлик билан ўзгартиришга, давлат яхлитлигини бузишга, миллий хавфсизликка таҳдид қилишга, жамоат тартибини издан чиқаришга, уруш ва адоват кўзгатишга, шунингдек, қонун билан қўзда тутилмаган ҳарбийлаштирилган тузилмаларни тузишга қаратилган жамоат

бирлашмаларини ташкил этиш тақиқланади.

4. Чет давлатлар сиёсий партиялари ва касоба уюшмалари, диний асосдаги сиёсий партиялар, шунингдек, хорижий ҳуқуқий шахслар, хорижий фуқаролар ва фуқаролиги йўқ шахслар, хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар томонидан сиёсий партиялар ва касоба уюшмаларига молиявий ёрдам беришга йўл қўйилмайди.

5. Жамиятнинг нотижорат ташкилотлари томонидан хорижий давлатлар, халқаро ва хорижий ҳуқуқий шахслар, хорижий фуқаролар ва фуқаролиги йўқ шахслардан олинган молиявий ҳаражат ва активлар ҳақидаги маълумот қонунларга мувофиқ очик ва шаффоф бўлиши керак.

7-модда

1. Дин давлатдан ажратилган.

2. Қозоғистон ҳудудида диний ташкилотларнинг фаолияти қонунга мувофиқ бўлиб, Конституциявий тузумнинг асосларини, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, миллий хавфсизликни, жамоат тартибини, фуқаролар соғлигини ва жамият ахлоқини ҳимоя қилиш мақсадида чекланиши мумкин.

8-модда

1. Қозоғистонда давлат ва хусусий мулк эътироф этилади ва бир хил ҳимояланади.

2. Мулкдан фойдаланиш жамият ва давлат манфаатларига мувофиқ бўлиши, атроф-муҳитга зарар етказмаслиги, бошқалар ҳуқуқларини ва қонун билан ҳимояланадиган манфаатларини бузмаслиги керак. Мулк субъектлари ва объектлари, мулк эгаси ҳуқуқларини амалга ошириш ҳажми ва чекловлари, уларнинг ҳимоя кафолатлари қонун билан белгиланади.

3. Ер ва унинг бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, бошқа табиий захиралар халққа тегишли. Халқ номидан мулк ҳуқуқи давлат томонидан амалга оширилади. Ер қонун билан белгиланган асос, шарт ва чегараларда хусусий мулкка ҳам кириши мумкин.

9-модда

1. Қозоғистон Республикаси давлат тили – қозоқ тили.

2. Давлат ташкилотлари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш тузилмаларида қозоқ тили билан бир қаторда рус тили ҳам расмий тарзда қўлланилади.

3. Давлат Қозоғистон ягона халқи тилларини ўрганиш ва ривожлантириш учун шароит яратди.

10-модда

Қозоғистон Республикаси халқаро ҳуқуқ меъёрлари ва тамойилларини ҳурмат қилади, ташқи сиёсатини тинчлик ва ҳамкорлик асосида олиб боради, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмайди, халқаро низоларни тинч йўл билан ҳал этади.

11-модда

Қозоғистон Республикасининг давлат рамзлари: Давлат Байроғи, Давлат Герби, Давлат Мадҳияси. Уларнинг тасвирлари ва қўлланиш тартиби конституциявий қонун билан белгиланади.

НУРЛИ ЗИЁ ДАРГОҲИ

Қарийб бир аср тарихга эга бўлган айрим таълим масканлари борки, улар фақат билим бериш билан чекланиб қолмай, жамиятнинг маънавий пойдеворини мустаҳкамлаш, юртнинг эртанги тақдирини белгилайдиган авлодни тарбиялашдек шарафли вазифани бажариб келмоқда. Ана шундай зиё масканлари бугун ҳам, эртага ҳам мустақил фикрлайдиган, Ватан тақдирига дахлдор ёшларни камол топтиришда бекиёс ўрин тутати.

Фидойи, инсонпарвар ва ватанпарвар устозлар меҳнати туфайли илм-фан намоёндалари сафини кенгайтириш, маънавият ва маърифатли ёшларнинг жамиятга кириб келаётгани – таълим муассасаларининг улкан хизматидир. Заковат эгалари, юксак ақлий салоҳият соҳибларини тарбиялашда, уларга илм йўлида химмат ва рағбат бағишда бундай таълим даргоҳларининг ҳиссаси залворли. Шу маънода, вилоят маркази – Туркистон шаҳрида нуруний 95 ёшини қаршилаётган 13-сонли А. Навоий номли мактаб-гимназияси алоҳида эътирофга лойиқ. Бугунги кунда мактаб жамоаси, устозлар ва шогирдлар қўлга киритаётган ютуқлар, таълим-тарбия соҳасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларнинг ҳаётбахш самараси эканлигини тасдиқламоқда. Айниқса, ушбу таълим даргоҳининг нуфузи ва шаънини асраб-авайлаб, унинг ривожини йўлида сидқидилдан хизмат қилган катта авлод вакилларининг фидокорона меҳнати таҳсинга сазовор. Улар қолдирган бой маънавий мерос бугунги авлод учун ибрат мактаби сифатида хизмат қилмоқда.

Айни кунларда мактаб-гимназияга Хусан Диметов раҳбарлик қилмоқда. У ҳаётини таълим-тарбия ишига бағишлаган, шарафли ва масъулиятли муаллимлик йўлини босиб ўтган фидойи инсон сифатида жамоанинг ҳурмат-эътиборини қозонган. Хусан Диметов 1971 йили таваллуд топган. Ўрта

(муаллимаси Гулбахор Зуфарова) қозоқ тили ва адабиётини 3-ўринни эгаллашди. 10-синф ўқувчиси Юлдуз Умрзоқова ҳамда 9-синф ўқувчиси Шоҳида Раймижонова ўзбек тили ва адабиётини (муаллимаси Саида Никинбоева) совринли 1-ҳафта 3-ўрин соҳиби бўлишди. Ўрта бўғиндан ҳам натижалар қувонтирди. 7-синф ўқувчиси Билал Маҳаммадов (муаллимаси Назоқат Раҳимова) география фанидан вилоят босқичига чиқди. Бундан ташқари аъънавий “Навоий ўқишларида” ҳам шогирдларимиз фаол. Халқаро танловда ўтган йили Севинч Рустамбекова (муаллимаси Саида Никинбоева) 1-ўринни эгаллади. Ўқувчиларимиз энди санокли кунлардан сўнг ўтказиладиган танловга тайёргарлик кўришмоқда. Устозларимизнинг ўзлари ҳам фан олимпиадаларида фаол иштирок этишади. Бошланғич синф муаллимаси Раъно Абдуғафорова шаҳар миқёсида 1-ўринни, вилоят босқичида 3-ўринни эгаллади. Бошланғич харбий тайёргарлик фани муаллими Сардор Ирисматов вилоят миқёсида ўтказилган ўқ отиш бўйича беллашувда вилоятда 1-ўринни эгаллади. Спорт бўйича ҳам ўқувчиларимизнинг кўрсаткичлари юқори. Енгил атлетика бўйича (мураббий Дилшод Йўлдошевнинг шогирдлари) вилоятда етакчи ўринга чиқди. 10-синф ўқувчиларининг баскетболчи қизлар жамоаси (мураббийлари Маммурихон Тўрахонов, Маҳмуджон Тошматов) республика босқичига



мактабдан сўнг Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтини тамомлаган. Меҳнат фаолиятини 1993 йили Коммунизм, ҳозирги Собир Раҳимов номидаги мактабда муаллимликдан бошлаган. 1998 йилда меҳнат фаолиятини ўзи таълим олган Шароф Ниёзов номидаги мактабда бошлаб, дастлаб 5 йил физика фанидан сабоқ берган. Сўнг 2003-2010 йилларда мактаб директорининг тарбиявий ишлар бўйича муовини бўлди. Мазкур таълим масканида 2010 йилдан 2023 йилга қадар директорлик қилди. 2011 йилдан 2021 йилгача давом этган “Балапан” давлат дастури доирасида ўзи раҳбарлик қилаётган мактабда мактабгача ёшдаги 100 нафар болага кичик гуруҳлар ташкил этди, 2014 йили 300 ўринли янги мактаб биноси барпо этилишида ҳам бош-қош бўлди. Физика фанидан тадқиқотчи муаллим. Меҳнати муносиб баҳоланиб, мамлакат раҳбарлари, таълим, маориф вазирликлари, ҚХА, республика, вилоят, туман даражадаги УЭМБ, турли жамоат ташкилотларининг медаллари, кўкрак нишонлари, фахрий ёрлиқлари, ташаккурномалари билан тақдирланган.

– Шарафли ёшини нишонлаш арафасида турган масканга раҳбар бўлиб келганимга мана, уч йил бўляпти, – дейди таълим маскани раҳбари Хусан Тўлаев. – Мактабимизда 1200дан зиёд ўқувчига 152 нафар педагог таълим бermoқда. Уларнинг 33 нафари – магистр даражасига эга, 44 нафари тадқиқотчи устоз, 35 нафари педагог-модератор, 5 нафари уста босқичидаги ўқитувчилардир. Уларнинг барчаси изланувчан, доим малакасини ошириб борадиган муаллимлар. Илм маскани нуфузининг юксалишида уларнинг ҳиссаси бекиёс. Уста тоифасидаги ўқитувчиларини номна ном атаб ўтишни жоиз, деб биламан. Улар томонидан, ҳақиқатан ҳам, залворли ишлар амалга оширилмоқда. Барча гимназияда ҳам бизники сингари уста тоифасида муаллимлар жамланмаганлигини ҳам алоҳида таъкидламоқчиман. Ойдин Ирисматова, Баҳодир Абдуллаев, Гулбахор Зуфарова, Қуралай Юсу-

йўлланма олишди. Жорий йилда жисмоний тарбия муаллими Баҳодир Абдуллаев республика миқёсида спорт беллашувларида мураббийлар ўртасида ҳакамлик қилди.

– **Ўқувчилар давлат тилини ўзлаштиришда қозоқ мактаблари ўқувчиларидан ҳам юксак кўрсаткичларни қўлга киритаётганини туғайлими, гимназияга асосан қозоқ тилини чуқур ўзлаштираман, деган шогирдлар келса керак...**

– Албатта. Муаллимлар жамоасини бошқаришда 6 нафар ўринбосаримизнинг саъй-ҳаракатлари, фаолиятдаги жонбозликларини доимо ҳис қиламан. Зокиржон Зокиров, Абдулла Умбоев, Муқаддас Бергенова директорининг таълим ишлари бўйича, Ҳабибулла Марайимов касбий таълим йўналиши бўйича, Шерали Тўрахонов ҳамда Умидахон Ганибоева тарбиявий ишлар бўйича муовинлари. “Қозоғистон болалари” концепциясига мувофиқ руҳшунослар синфхоналари таъмирланиб, унда Дилфуза Носирова, Зебиниса Солиевалар ўқувчиларимизнинг руҳий ҳолатларини доим кузатиб боришади. Мактабимиз бошланғич синф ўқувчиларига бериладиган иссиқ таом сифати социолог муаллима Моҳида Маджидованинг доимий назоратида.

– **Жорий йилги шонли тадбирларга совринлар хуржун билан қираётган эканисларда...**

– Жорий йилда Алишер Навоийнинг 585 йиллиги кенг нишонланади. Мактабимизга А. Навоий номи берилганига ҳам жорий йилда 60 йил тўлади. 1997 йилда унга 13-рақами берилди, 2003 йилда кўпсўхали гимназия мақоми берилди. 1991 йил 20 октябрда А. Навоий бюсти ўрнатилди. Унинг ўрнатилишига ҳам 35 йил тўлади. Уч йил мобайнида анча ишлар амалга оширилди, мактабимиз томи янгиланди. 29та интерфаол лавҳа олинди, синфхоналаримиз 67та компьютер билан жиҳозланди. 12та тикув машиналари ҳамда 6та дурадгорлик дастгоҳларида ўқувчиларимиз амалий машғулотлар ўтказмоқда. Мажлис залига 210та ўриндик ўрнатилди, 4та реклама экранлари, лед экранлари,



пова, Дилфуза Сулаймонова – келажак авлодга таълим-тарбия беришда юксак натижаларни қўлга киритишга учун “Ы. Алтынсарин” кўкрак нишони билан тақдирланган. Мактабимизда гуманитар фанлар чуқур ўргатилади. Айниқса, ўқувчиларимиз давлат тили – қозоқ тилини ўзлаштиришга маҳкам бел боғлашганлиги қувонарлидир. Ўтган йили Шимкентда Ж. Ташенев номи университетда ўзбек тили ва адабиётиндан ўтган республика босқичи олимпиадасида 11-синф ўқувчиси Мунира Мадихонова (муаллимаси Нодира Шералиева) 3-ўринни эгаллади. Жорий йилда 38 мактаб ўқувчилари иштирок этган (миллий мактаблар ўртасида) қозоқ тилидан вилоят олимпиадасида 10-синф ўқувчиси Гулноза Сабоҳон (муаллимаси Дилфуза Жумабоева) 1-ўринни, 9-синф ўқувчиси Нуруниса Эркинова

футбол майдончаси барпо этилиб, чим тўшалди. Ўқувчиларимиз таъмирланган спортзалда шуғулланишяпти. Ҳомийларнинг рўйхатини ўқиб, адоғига етолмаймиз. Ўзлари шу мактабда таълим олиб, ишлаб, айни пайтда неваралари учун имтиёзлар, қўлай шароит яратишмоқда, улардан миннатдоримиз. Ҳар қандай раҳбарга жамоаси, шу ерда таълим олаётган ўқувчиларнинг фидойи ота-оналарнинг маънавий кўмаги айни мадад.

АЖДОДЛАРИ АРДОҚЛАГАН МАСКАН

Мактабнинг жонқуярлари сафида ундаги шайхлардан доим бохабар бўлиб турган, жоиз бўлса, ушбу масканга тез-тез қадам ранжида қилиб, “биздан нима хизмат”, дея ёрдами, вақтини аямай кўргазмалли қуроллари, зарур ускуналар, дастгоҳлар билан синфхоналарни таъминлаб, дарсларнинг ҳар томонлама мазмунли ўтишига ҳисса қўшиб келаётган фидойилари, катта авлод вакиллари бор. Саъдулла Содиқов шундай инсонлар сирасидан. У Туркистон шаҳрида таваллуд топди. А. Навоий номи мактабини, сўнг А. Бериуний номидаги Тошкент Политехника институтининг меъморчилик факультетини тамомлаб, Туркистон ижроия кўмитаси меъморчилик бўлимида фаолиятини бошлади. Меъморчилик корхоналарида ҳам фаолият юритди.

– Ўзим мана шу муқаддас даргоҳда таълим олдим, – дейди Саъдулла Содиқов. – 1988 йилдан ота-оналар кўмитасининг аъъосиман. Ҳар қандай ташкилий ишларда ҳозир нозирим. 1998 йили мактабнинг 70 йиллиги арафасида дарвоза ўрнатишга бош-қош бўлдим. Ўтган йили янги сайланган ота-оналар кўмитаси раиси Элмурод Ҳамроқулов бошчилигида хавфсизлик хонаси янги услубда барпо этилди. А. Навоий бюсти 1991 йили октябрда ўрнатилди. 12та корхона раҳбарлари ҳомийлигида – жами 7800 рублга Тошкентда мисдан куйилди. Тадбиркор, мактаб битирувчиси, нафақадор Йўлдош Наврўзов, Аваз Рўзиев ҳомийлигида бюст уч марта таъмирланди. 1967 йили 5 ноябрь куни мактаб ҳовлисида Улуғ Октябр Социалистик инқилобининг 50 йиллиги арафасида УВУда ҳалок бўлган ҳамюртларимиз хотирасига бағишлаб, ёдгорлик бунёд этилди. У ҳам ҳомийлар ёрдамида уч марта таъмирланди. 1966 йили май ойда мактабнинг 35 йиллиги, 1991 йили 20 октябрда 60 йиллик санаси, 2000 йилда 70 йиллиги, 2012 йилда 80 йиллиги нишонланди. Эндилқида илм даргоҳининг 95 йиллигига тайёргарлик кўряпмиз. 2024 йилга қадар ота-оналар ҳомийлигида мактабимиз иситиш тизими таъмирланди, муסיқа ускуналари харид қилинди. Ота-оналар кўмитаси имкон қадар моддий ёрдам кўрсатиб келмоқда. Мактабимиз битирувчилари орасида ажойиб аъъана бор. Даргоҳимизда битирувчилари йил сайин кичик футболдан турнир ўтказишади. Баъзида 30гача жамоа ўйинда иштирок этади. Бу аъъана, шубҳа-



боғляпти. 45 йил ушбу мактабда меҳнат қилдик, мана, 14 йилдирики ушбу қадрдон ошиёнимиздан қадамимиз узилмади. Аллоҳ умр берса, қанча мушкулликлар, муаммолар, ижобий ечимини кутаётган масалалар бўлишига қарамай, маънавият, миллий кадриятларимизга содиқ ҳолда ҳар қандай хизматга тайёримиз. Шундай пайлар бўлган – иқтисодий қийинчилик, ўтиш даври йилларида умр йўлдошим иккимиз 6 ой мобайнида маош олмай ишлаганмиз. Уша йилларда таълим соҳасидаги кўп муаллимлар, ўқитувчиларни ташлаб, бозорга чиқишга мажбур бўлишган эди. Уша йили бизга маош ҳисобидан магазин пештахталарида урфдан қолган, айниқса зиёлилар киймайдиган икки қоп кийим беришганди. Лекин бардош қилдик, маънавияти юксак, зиёси кенг инсонга жамият доимо эҳтиёжманд эканлигини ҳис қилган ҳолда, эртанги кунга ишончимизни йўқотмадик. Бардош қилдик – қадрдон гўшамиздан чекинмадик. Мактаб директори, жамоа билан биргаликда, ҳамжиҳатликда танимизда қувватимиз бор экан, ҳамкорлик қилишга тайёримиз!

Умидахон Ганибоева, мактаб директорининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари:

– Гимназиямизнинг икки музейи бор. Уларда кўплаб маънавий, маърифий тадбирлар ўтказилади. Ўқувчиларимиз катта авлод вакиллари – рассомлар, меъморлар қўли билан тайёрланган буюмлар, портретлар билан жиҳозланган музейда мутафаккирлар илоҳидан руҳланиб, уларнинг бой меросини ўрганишлари керак. Мактабимизнинг тарихий музейида ўтган асрдаги ўқувчилар таълим олган мактаб жиҳозлари, ускуналари, дастгоҳлари жамланган бўлиб, боболаримизнинг қандай шароитда таълим олганлиқларига гувоҳ бўласиз. Ҳозир бу музей таъмирланяпти. Айни кунларда мактабимиз ўзига хос тадбирни бошлаб берапти. Алишер Навоийнинг 585 йиллиги доирасида унинг маънавий бойлигини халқимиз орасида оммалаштириш, ёшлар орасида ғазалнависликни тарғиб қилиш мақсадида челендж уюштирилмоқда. Челенджи Туркистон шаҳар УЭМБ раиси Райимжон Қўчқоров, мактабимиз директори Хусан Диметов бошлаб берди. Мактабимиздаги А. Навоий бюсти



сиз ёшларга ибрат. Катта авлод вакилларидан ушбу даргоҳдан чиққан собиқ ўқувчилар орасидан 18 нафари меъморчилик соҳасини танлаб, ушбу йўналишда самарали фаолият юритаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Камина ҳам улар орасида борлигидан фахрланаман. Меъморлар орасида Орифжон Салимовга ўз соҳасининг олим, профессор илмий уновни соҳиби бўлиш nasib этди. Қудратилла Ажмиетов таниқли рассом. У кишининг қўлидан чиққан кўп асарлар синфхоналарни безатиб турибди. Исмоил Ҳамроқулов, авиация соҳаси профессори, Ҳаким Диметов автойўл-транспортти институтини профессор, Олимжон Абдуҳолиқов ҳамда Холмурод Аҳмедов тиббиёт соҳасида профессор. Улар бизнинг фаҳримиз. Болалигимизни ёдга солиб турадиган ушбу даргоҳга тез-тез келиб тураимиз. Қадрдон масканнинг нафақат ўтмиши, бугуну-ю, эртаси бизни ўзи билан чамбарчас боғлаб туради. Фарзандларимиз ушбу даргоҳда таълим олди, эндиликда невараларимиз ўзлигини, маънавиятини шу ерда таниб, маънавий юксалтиришяпти. Устозлардан миннатдоримиз. То ҳаёт эканмиз, она мактабимиздан қадамимиз узилмайди.

Ушбу даргоҳ кексалик истироҳатидаги саховатпарвар, инсонпарвар катта авлод вакилларининг ташрифидан нурланади, десам ишонаверинг. Ахир бу ерга ташриф буюрган инсон борки, эзгу ниятини, мақсадини, ташаббусини бошлаб келаверади. Улуғлар айтганидек, инсонда ёш билан бирга ақл-идрок, ҳаёт тажрибаси ортгани сари раҳм-шафқат, саховат ҳисси ҳам баравар кучаяверар экан.

Навбатдаги суҳбатдошимиз, ота-оналар кўмитасининг аъъоси Абдуразоқ Даданов ҳам келажакимиз жонқуярларидан. У 1949 йили таваллуд топган. “Урангай” номи мактабда таълим олган. Низомий номидаги Тошкент давлат Педагогика институтини тамомлаган. Меҳнат фаолиятини 1967 йили ушбу даргоҳда ўзбек тили ва адабиёти фани муаллими сифатида бошлади. Халқ маорифи аъъолчиси. Катта ўқитувчи, 14 йилдирики, кексаликнинг гаштини сураётган нурунийлардан. – 12 йилдирики ота-оналар кўмитасида аъъоман, – дейди Абдуразоқ Даданов. – Мактаб оқоқоллар кенгаши раисиман. Мактабимда 45 йил фаолият юритган бўлсам, унинг 27 йилини мактаб директорининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари вазифасида ўтказдим. Сўнг бошланғич босқич бўйича илмий бўлим мудирли бўлиб ишладим. Ҳаётни танимизки, мактабдан оёғимиз узилгани йўқ. Издошларимиз, ўсиб келаётган авлод бизни билим даргоҳига янада чамбарчас

пойига гулчамбар қўйиб, эхтиром кўрсатилди. Ўқувчилар мутафаккирнинг ғазалларини ёддан ўқишди. Мактаб ишлари нафақат фаолиятимиз балки, турмуш тарзига ҳам айлиниб кетганлигини ҳис қилияпти. Унинг ҳар бир синфхонаси, ҳар қарич ери болалигимиз билан бевосита боғлиқ. У нурафшон кунларимизни эслатади. Ширин хотира билан ҳар кун ёнма ён яшаб, фаолият юритаётганимиздан мамнунимиз. Катта авлод устозларимизнинг шундай мураккаб даврларда ҳам сабр билан фаолият юритишганини эшитганимизда ҳайрон бўлардик. Мана, энди биз ҳам шундай маънавий ҳолга келдик. Жамоатчилик ишларида иштирок этсам, мактабимга келаверсам, деган фикр мени тарқ этмайди, у тобора қалбимга сингиб бораёпти, ишонасизми, – дейди кўзлари порлаб суҳбатдошим.

– Шубҳасиз. Сиздек нузли, зиёли инсонлар маскани экан, бу даргоҳдан илм соҳиблари, ўз касбининг етук мутахассислари етишиб чиқаверади.

Мунира САЪДУЛЛАЕВА.

Турли йилларда мактабини бошқарган раҳбарлар:

Мадали Турсунматов – 42-сонли мактаб, 1939-1940 йилларда директор вазифасини бажарган.
Эргаш Исмоилов – 1941-1942 йилларда мактабини бошқарган.
Саидҳаким Абдуқаюмов – 1942-1943 йилларда директор.
Аҳмад Воҳидов – 1943-1944 йилларда директор.
Мирқодир Мансуров – 1945-1946 йилларда директор.
Солиқ Ҳошимов – 1947-1948 йилларда директор.
Иван Султонович Юнусов – 1948-1953 йилларда директор.
Собижон Пўлатов – 388-сонли мактаб, 1953-1961 йилларда директор.
Муҳаммадраим Абдураунов – 388-сонли А. Навоий номи мактаб. 1962-1986 йилларда директор.
Ремир Мусин – 1-сонли А. Навоий номи мактаб. 1986-1997 йилларда директор.
Садирахан Маматраимов – 13-сонли А. Навоий номи мактаб, 1998-2010 йилларда директор.
Ҳикматулла Ажмиетов – 13 сонли А. Навоий номи мактаб-гимназиясида 2010-2023 йилларда раҳбарлик қилган.

Дунё иморатларининг энг
улуғи мактабдир.
Абдулла Авлоний.

ТИЛЛАР УЙҒУНЛИГИ ВА МАЪНАВИЯТ МАСКАНИ

Мактаб – миллат келажани бунёд қиладиган энг муқаддас маскан ҳисобланади. Шундай масканлардан бири Жетисай туманидаги 24-сонли Абдураҳмон Жомий номли умумтаълим мактабидир. Бу таълим маскани ўзининг бой тарихи, мустақкам анъаналари билан туманимизда алоҳида ўрин тутди.

Ушбу билим даргоҳи замонавий таълим талабларига таянган ҳолда ўқувчиларга қозоқ, ўзбек ва тожик тилларида билим бериб келмоқда. Бугунги дунёвий даврда бир неча тилни билиш ёш авлод учун кенг имконият ва муваффақият калити ҳисобланади. Мактабда уч тилда таълим



олиш имконияти мавжуд. Бу ўқувчиларнинг билим доирасини кенгайтирибгина қолмай, уларни турли миллат ва маданият вакилларига ҳурмат, дўстлик ва бағрикенглик руҳида тарбиялашга хизмат қилмоқда. Ўқувчилар бир-бирининг тили, урф-одатлари ва қадриятларини ўрганиб, миллатлараро ҳамжиҳатлик моҳиятини англаб бормоқдалар.

Мактабда бугунги кунда 73 нафар малакали педагог 600 ўқувчига таълим-тарбия бermoқда. Педагоглар жамоаси замонавий таълим технологиялари ва инновацион услублардан самарали фой-

даланган ҳолда, ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш, нутқ маданияти ва ижодий қобилиятларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Шунингдек, мактабда мунтазам равишда маданий тадбирлар, тил байрамлари, адабий кечалар ташкил этилиб, улар ёшларнинг маънавиятини юксалтиришга ҳисса қўшмоқда.

Мактаб нуфузини юксалтиришда узоқ йиллар давомида раҳбар сифатида фидокорона меҳнат қилган Қозғоғистон Республикаси маорифи аълочилари – Халосбой Тавбаев ва Шодимурод Кўчаровнинг (Аллоҳ устозларимизни раҳ-

матиға олган бўлсин) ҳиссаси беқиёсдир. Уларнинг раҳбарлиги даврида таълим сифати, тарбия масалалари ва жамоа бирлиги устувор аҳамият қаратилди. Улар мактаб жамоасини ягона мақсад сари йўналтириб, ўқувчиларни илм-фан, меҳнатсеварлик ва Ватанга садоқат руҳида тарбиялашда ибратли ишлар олиб бордилар. Натигада, мактаб ҳақиқий маънавият ва маърифат ўчоғига айланди.

Бу заҳматлар самараси ўларoқ, мактаб битирувчилари орасида Рустамбек Аҳлиддинов, Ширинбой Турсунов каби етуқ олимлар, шунингдек, республика ва халқаро

миқёсда муваффақият қозongan кўплаб спорт усталари етишиб чиққан. Бу эса таълим даргоҳининг юксак салоҳияти ва устозлар меҳнатининг ёрқин самарасидир.

Бугунги кунда таълим масканига Сарсенбек Асқаров раҳбарлик қилмоқда. Унинг раҳбарлигида аҳил педагогик жамоа шаклланиб, уч тилда таълим бериш тизими янада такомиллаштирилмоқда. Замонавий педагогик ёндашувлар, инновацион ғоялар ҳамда устозларнинг фидойилиги мактаб тараққиётига янги суръат бағишламоқда.

Мухтасар қилиб айтганда, мактабимиз тиллар уйғунлиги, сифатли таълим ва юксак маънавиятни ўзида мужассам этган нуфузли таълим маскани сифатида келажакда рақобатбардош, билимли ва комил авлодни тарбиялаш йўлида фаолият юритмоқда.

Шухрат КЎЧАРОВ,
ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси.
Дилноза БОБОМУРОДОВА,
муаллима.

Тасвирларда: мактаб жамоаси.



КУН ТАРТИБИДА – МЕҲНАТ ХАВФСИЗЛИГИ

ҚР Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш вазирлиги тасарруфидаги Меҳнат хавфсизлиги ва меҳнатни муҳофазат қилиш бўйича илмий-тадқиқот институтининг Шимкент шаҳри ва Туркистон вилояти бўйича филиали директори Ф. Қоратоев Тўлебий туманининг Тоғойна қишлоғидаги “Тоғойна” мактабига ташриф буюриб, жамоа аъзолари билан учрашди.



Дастлаб муассаса директори Ж. Қодиров меҳмонни 2024 йили фойдаланишга топширилган 200 ўринли мактабнинг янги биноси билан таништирди. Бугунги кунда ушбу таълим даргоҳида 400дан зиёд ўқувчига 60 нафар мураббий таълим-тарбия бermoқда.

Жамоада Қ. Хидиров, А. Бўронбоев, Ш. Чутирова, А. Жуманов каби кўплаб пешқадам устозлар узоқ йиллардан буён сидқидилдан меҳнат қилиб, эл эҳтиромига сазовор бўлмоқдалар. Жумладан, ўтган ўқув йил якунига қўра, мактаб устозлари ва ўқувчилари залворли ютуқларга эришдилар.

Учрашувда сўз олган Ф. Қоратоев сўнгги вақтда таълим масканларидаги меҳнат муҳофазаси долзарб масалага айланганини таъкидлаб, бу борадаги қонунчилик талаблари ҳамда бошқа зарур маълумотлар билан таништирди. Тадбир якунида у мактаб жамоасига муваффақият тилаб, эзгу истаklarини билдирди.

З. МҮМИНЖОНОВ.

Тасвирларда: учрашувдан лавҳалар.

АДАБИЙ ДЎСТЛИК – АБАДИЙ ДЎСТЛИК

Адабиёт – олтин кўприк. Халқлар дўстлигини мустаҳкамлашда, адабиётнинг ўрни беқиёсдир. Забардаст адибимиз Абдулла Қаҳҳор “Адабиётсиз ҳаёт ваҳшийликдир”, деб бежиз айтмаган. Адабиёт инсонларга маънавий ва маданий тарбия берибгина қолмай, унинг тафаккурини, дунёқарашини кенгайтиради.

Адабиётдан хабари, билими бор одам одоб-ахлоқ доирасидан чиқмасликка, ҳар бир ишга ақлан ёндашишга ҳаракат қилади. Шунинг учун у ҳаётда кам қоқилади ва кўп яхши натижаларга эриша олади.

Шимкент шаҳридаги А. Қуатбеков номли Халқлар дўстлиги университетида “Халқлар дўстлигини ривожлантиришда адабиётнинг роли” мавзуида халқаро семинар ўтди. Тадбир ушбу олий ўқув юртининг устоз-талабалари, маҳаллий шоир-ёзувчилар ҳамда кўшни давлатлардан ташриф буюрган таниқли ижодкорлар билан учрашув-мушоира тариқасида, қизиқарли ва мазмунли ташкил этилди.



бўлишди. Улар билан бирга Эркин Шултонова бошқараётган “Чимкент” ижодий уюшмаси аъзолари Тошбуви Йўлдошева, Моҳинисо Усмонова, Феруза Олимжонова, Раҳима Бўронова, Моҳида Йўлдошева, Элдор Татиев, вилоят “Чашма” ижодий уюшмаси аъзоси шоира Гули Осиев, “Илҳом булоғи” ижодий уюшмаси аъзоси Шоҳбек Ирисмат

дик, бирга китоблар чиқардик, бунинг натижасида адабиёт олтин кўпригига озми-кўпми улуш қўша олдик, – деди Қозғоғистон Журналистлар уюшмаси аъзоси, ўндан ортиқ наср ва назм бўйича китоблар муаллифи, таниқли шоира Эркин Шултонова.

– 2024 йили Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуфга бағишланган Қозғоғистон ўзбек ижодкорларининг шеърларини тўплаб, Тошкентда “Муҳаммад Юсуфни хотирлаб...” номли китоб чиқариб, 70 йиллик юбилейига тақдим қилдик. Ўзбекча-қозоқча таржималарини ҳам бошлаб юборганмиз. Насиб этса, яна ҳам ҳамкорликни кучайтириб, улкан ишларни амалга ошириш ниятимиз бор.

Сизлар билан дийдорлашиб турганимдан беҳад мамнунман.

Шоира яна оналар ҳақида ёзган шеърини ўқиб берди.

Таниқли ижодкорлардан Тошбуви Йўлдошева, Нурхон Аюб қизи, Гули Осиев ва бошқалар ёшларга ҳаёт сабоқлари, ибратларидан ўғит-насихатлар айтиб, сўнгра шеърларидан намуналар ўқишди. Элдор Татиев “Ҳайратларим” номли янги чиққан насрий китобини мухлисларига тақдим этди.

Ўз навбатида, ҚР ўзбеклари “Дўстлик” ҳамжамияти медиатори Аббос Шомирзаев тадбир ҳақида илиқ фикрларини билдириб, меҳмонлар, тадбир иштирокчилари ва ташкилотчиларига миннатдорчилик билдирди.



Тошкент шаҳридан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси – беназир ижодкор Назира Ас-салом – Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуфнинг умр йўлдоши ва таниқли шоира Нурхон Аюб қизи, Тожикистон Республикасидан Тожикистон ва Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, суҳандон ва иқтидорли шоира Солиҳа Алимова-лар тантананинг қадрли меҳмонлари

ва бошқалар кечанинг файзли ўтишига ҳисса қўшди.

Тадбирда сўз олган “Қозғоғистонда хизмат кўрсатган маданият ходими”, “Кўш қанот” ижод жамғармаси раиси, Ўзбекистон “Жадиждар” илмий марказининг Қозғоғистондаги вакили Элдорбек Татиев халқлар дўстлиги ҳақида тўлқинланиб сўзлади.

– Биз туркий халқлар тилимиз-



динимиз бир, бизга таржимоннинг кераги йўқ. Адабиёт соҳасида эса, А. Навоийни ўқимаган қозоқ, Абайнинг “Насихатлари”ни ёд олмаган ўзбек йўқ. Адабий дўстлик – абадий дўстликдир. Бизнинг вазифамиз адабиёт соҳасидаги ҳамкорликни кучайтириш, мана шундай тадбирлар орқали таниқли ижодкорларнинг ҳаёт ва ижод йўллари билан ёшларни таништириш, бадий адабиётга қизиқишни оширишга эришишдир.

– Биз Назира Ас-салом билан азалдан икки давлат ўртасида воситачимиз. Неча марта Ўзбекистонда, Қозғоғистонда тадбирларда бирга бўл-

Ўз навбатида Назира Ас-салом сўзга чиқиб, кўпчиликини қизиқтирган саволларга жавоб берди. Умр йўлдоши Муҳаммад Юсуф ҳақидаги хотираларини меҳмонлар билан ўртоқлашди. Тожикистонлик шоира Солиҳа Алимова ҳам ўз навбатида, самимий изҳорларини тақдим этди.

– Мен Қозғоғистонга келаятиб бепоён далаларга, кенг яйловларга қараб, ўлканинг бетакрор табиатидан завқландим. Қиш бўлишига қарамай, бу дийрдан илиқлик ҳис этдим. Қор қоплаган кенгликлардан кўзимга нур, дилмига шуур олдим. Албатта, битта чиройли шеър битишга мавзу топилди.

Мушоира якунида ижодкор ёшлардан Майсара Сафарова Муҳаммад Юсуфнинг “Лолақизғалдоқ” шеърини қозоқ тилида ўқиди.

Мазмунли тадбир учун Халқлар дўстлиги университети ректори, профессор Рабиға Қуатбекова раҳбарлигидаги жамоа аъзоларига ҳамда асосий ташкилотчиларга миннатдорчилик билдириб, келгуси эзгу ишларига ривож тилаймиз.

Гулиосиев ҲАСАНОВА,
“Ижодкор” адабий
бирлашмаси аъзоси.

»» Обуначиларимиз орасида

ЯНГИҚОНЛИК ШОИР СУЛТОН БОБОХОНОВ ХОТИРАСИГА БАҒИШЛАНДИ

Янги Иқон қишлоғидаги фаол обуначимиз, Саврон тумани маслаҳати депутати, устоз, тадбиркор Дилмуҳаммад Ирисбоев бунёд этган замонавий Янги Иқон мактабида таваллудига қўлдамда 90 йил тўладиган моҳир шоир, таржимон, устоз Султон Бобохонов хотирасига бағишланган ажойиб тадбир ўтди. Кутубхоначи Зинаида Аҳмедова ва Дилшод Тўражонов бошқарган ушбу маънавий аҳамияти мўл тадбирни мактаб директори Баҳром Файзуллаев кириш нутқи билан очиб, шоирнинг ҳаёти ва ижоди ёшлар учун ибрат мактаби эканлигини таъкидлади.



бов, Эски Иқон китобсеварлар клуби аъзоси Ойсултон Абдуқодирова, қишлоқдаги Улуғбек номли мактаб устозлари ва ўқувчилар қатнашган ушбу тадбирда шоирнинг шеърлари ёддан ўқилди. Муассар Хидиралиева етакчилигидаги қишлоқ маданият уйи ходимлари Раҳимжон Умарқулов, Даврон Юнусов, Маҳбуба Тошпўлат иштирокида сахна асари, ўқитувчи Бобур Умарқулов ижросида "Ой, қуёш, юлдузлар", "Иқоним" шеърига басталанган қўшиқлар (илк марта Сафо Зокиров қўшиқ қи-



Султон Бобохонов 1936 йили 5 май кунини деҳқон оиласида туғилган. Мактабдан сўнг шаҳардаги педагогика билим юрти, В. И. Ленин номидаги Тошкент давлат университетининг журналистика факультетини тамомлади. Меҳнат фаолиятини Турбат қишлоғидаги мактабда бошлади. 1960 йилдан то нафақага чиққунча кадрдон қишлоғидаги Улуғбек номли мактабда ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси бўлиб самарали меҳнат қилди. Меҳнат баробарида баракали ижод қилди. Унинг дастлабки шеър ва ҳикоялари туман-шаҳар "Коммунистик меҳнат", "Туркистон" газетаси, шунингдек, Ўзбекистондаги "Муштур", "Ўзбекистон маданияти", "Ёш ленинчи", "Ўқитувчилар газетаси" нашрлари саҳифаларида мунтазам чоп этилди. Шоирнинг қуйидаги машҳур тўртлигига эътибор қилайлик.



*Мих бошидан емаса калтак,
Ўз ишини бажармас андак,
Бировлар бор михларга ўхшаб,
Кимлардандир кутадир калтак...*

Султон Бобохонов ўз ижодида таниқли ҳамқишлоқ адиб-шоирлар Миртемир Турсунов ва Эргаш Нейматуллаевлар маслаҳатларига амал қилиб, уларни устоз сифатида эъзозлаган.

1991 йили Туркистон шаҳар УЭМБ биринчи раиси шоир Эрнатар Рўзиматов ташкилотчилигида Султон Бобохоновнинг шеър ва дostonлари жамланган "Кечиккан карвон" деб номланган китоби босмаҳона раҳбари Абдулла Исоқов техник муҳаррирлиги остида 2000 нусхада нашр қилинди. Шимкент шаҳридаги Абай истироҳат боғида ўтадиган вилоят "Ўзбек тили, маданияти ва аънавалари" байрамга ҳамқишлоқлари Парли Бобоев, Ҳамза Мирҳайдаров, Олим Қосимов, Ўсар Нейматуллаев, Бобохонов Ёқубов, Миртемир Ҳамроев, Акажон Иззатуллаев ҳамда санъаткорлар билан фаол қатнашган. Мактабда ўзи раҳбарлик қилган синф ўқувчиларининг барчасини "Жанубий Қозоғистон" газетасига обуначиларидан бош муҳаррир (марҳум) Собиржон Юсуфалиев вилоятга ташаббусни ибрат этганлиги ҳақида газетамизда мақола эълон қилинган. Шоир умр йўлдоши, қаҳрамон она Тунжир Тожиддин қизи билан муштарак ҳаётлари давомида Гулнора, Тўлкиной, Нафиса, Идирис, Муҳайё, Зокиржон, Ҳусниддин, Рухсора, Гулруҳ исми қобил фарзандлар тарбиялаб, неваралар, эваралар кўрган пири бадавлат оила соҳиби.

Қишлоқ УЭМБ раиси Ўсар Нейматуллаев, вилоят оқоқоллар ҳайъати аъзоси Бобохонов Ёқубов

либ айтган) маҳорат ила ижро этилиб, гулдурас қарсақлар ила олқишланди. Бу – шоир Султон Бобохоновнинг шеър, дostonлари қўшиқ ва сахна асарлари орқали халқ орасида доимо барҳаёт эканлигига жонли далил.

Ташкилотчилар, хусусан, қишлоқ ва мактаб кутубхонаси ходимлари Инобат Шохайдарова, Зинаида Аҳмедова сазъ-ҳаракатлари ила тайёрланган кўргазмада Султон Бобохонов, унинг ҳамкасблари, шоғирдлари қаламига мансуб китоблар жамланган. Тадбирда шоирнинг Улуғбек номли мактабдаги ҳамкасби, нафақадаги фарзанди устоз Олим Қосимов амалий кимёвий тажрибаларни намойиш этиб, олқиш олди.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирларда: Султон Бобохонов умр йўлдоши билан; мактаб директори Баҳром Файзуллаев, бошловчилар Зинаида Аҳмедова ва Дилшод Тўражонов; сахна асари гулдурас қарсақлар билан олқишланди; Акажон Иззатуллаев ва Инобат Шохайдарова; тадбир иштирокчилари.

Муаллиф суратлари.

P.S. Кечаги кун – бугун тарих. Табиатан камтар, ижодий мероси мўл шоир Султон Бобохонов Туркистон вилояти шоир-ижодкорлари орасида ўз ўрнига эга. Унинг ишини ҳамқишлоқлари, хусусан, шоир устоз Акажон Иззатуллаев ҳамда ижодий уюшма аъзолари давом эттиришмоқда. Султон Бобохонов хотираси битта тадбир билан чекланмай, давом этишига ишончимиз комил.

Фаол обуначимиз, Саврон тумани Ясси қишлоқ округи ҳоқими Сиздиқ Ҳамзаули иш кабинетида ҳаётини кадрдон замин қишлоқ хўжалиги равнақиға бахшида этган миришкор бободоҳқон, механизатор, бригадир, меҳнат фахрийси Абдужаббор Абдуллақ ўғлини 85 ёшга тўлиши муносабати билан самимий муборакбод этди. Р. Қўчқоров раҳбарлик қилаётган вилоят "Ўлес" хайрия жамғармасидан Абдужаббор Абдуллақ ўғлига "Өнегели азамат" кўкрак нишонини тантанали тақдим этди.



ФАРЗАНДЛАРИ ХАЛҚАРО СПОРТ АНЖУМАНИНИ ТАШКИЛ ЭТГАН БАХТЛИ ОТАХОН

ДЕҲҚОНЧИЛИКНИ ҚАДРЛАБ, ЭЛДА ЭЪЗОЗ ТОПГАН
АБДУЖАББОР АБДУЛЛАҚ ЎҒЛИ 85 ЁШДА



бориб келди. Фарзандлари ташаббуси ва ҳомийлигида, Ясси ва Ўранғай қишлоқ ҳокимликлари, спорт бўлими қўллови билан Абдужаббор отанин 85 ёшга тўлиши шукронасига ёпиқ уйингоҳда кичик футболдан халқаро мусобақа ташкил этилди. Қозоғистон вилоятлари ва қўшни Қирғизистондан жами 16 ўсмирлар жамоаси иштирок этган спорт анжуманида туман ҳоқими Мақсат Танғатаров номидан ўринбосари Бахтжан Букебаев муборакбод этиб, кифтига тўн ёлди. Болалиқдан бирга ўсган кадрдон дўстлари – нуроний отахонлар Ҳамза Пирметули,



Болалиги оғир уруш йилларига тўғри келган Абдужаббор Абдуллақ ўғли меҳнатда чиникиб товланди. Бошланғич мактабда устози Руқия Ҳўжаевадан таълим-тарбия олди. Донгдор Жамбил номли колхозда чорва учун қишга озуқа тайёрлаш, ташиш каби ишларда пешқадам бўлди. Ҳар қатнаганида бир ярим тонна келадиган пичанни фермага етказишда ҳамкасбларига намуна бўлганини ҳаяжон билан хотирлайди. Пахта бригадасида механизатор, бригадир бўлиб, самарали ишлади.



Қишлоққа Қозоғистон раҳбари Динмуҳаммад Қўнаев ташриф буюргананда, Қўшқўрган сув омбори бунёд этилиб, деҳқонлар армони ушлаганида чин дилдан қувонган.

Умр йўлдоши, қаҳрамон она Несибели Мирзақарим қизи билан бахтли ҳаёт кечириб, Шавали, Шафақи, Фозил, Баходир, Рустам, Дариға, Фурқат исми қобил фарзандлар тарбиялади. Роза, Раъно, Куланда, Муҳайё, Аҳмад, Гулбахром исми ҳам хизматда ҳам иззатдаги келин-куёвлар, бири-биридан ширин 21 неваралар, 40 эвара кўрган пири бадавлат оила соҳиби. Динара, Эрнар, Хуснора, Гулдона исми иқтидорли неваралари шифокор, Мадина, Аброр, Шоира,

Муқаддас, Гавҳар, Дилнуралар ўқитувчи, Рустам эса ҳуқуқшунос.

Доимий ҳаракат ва жисмоний меҳнат билан шуғуллангани, тамаки ва ичкиликдан холи бўлган соғлом турмуш тарзига амал қилгани, Яратган Эгамнинг ҳар бир кунини қаноат ва шукрона ила ўтказиб, қўллангани шарофати билан мақоламиз қаҳрамони бардам ва тетик. Фарзандлари, келинлари суҳбат чоғида 85 ёшдаги отахоннинг хушмуомаласи, пиёда ёки велосипедда қишлоқни айланиб, фарзандлари хонадонлари ҳолидан хабардор бўлиш одатини ҳурмат билан тилга олишди. 2012 йили Рўздат Камолов бошчиликда муборак ҳаж сафарига

Бобохонов Мутенов, Сулаймон Азимовлар тенгқурларини самимий муборакбод этиб, ниятларини изҳор этишди.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирларда: Ясси қишлоқ округи ҳоқими Сиздиқ Пирметов 85 ёшдаги отахон, Туркистон вилоятининг ибратли фуқароси Абдужаббор Абдуллақ ўғлини муборакбод этмоқда; туман ҳоқими ўринбосари Б. Букебаев ва тенгдош дўстлари даврасида; оила даврасида; халқаро футбол мусобақасида 13 ёшдаги невараси Нурислому Руслан ўғли ҳам иштирок этди; халқаро мусобақа тантанасида.

Муаллиф суратга олган.

P.S. Абдужаббор Абдуллақ ўғлининг ҳаёти ва меҳнат йўли ёш авлод учун ибрат мактаби. "Жанубий Қозоғистон" тахририяти барча фарзандлари, невараларини кадрдон нашрга ошурга қилдирган ҳимматли муштарийси шаънига айтилган халис ниятлар ижобатиға тилақдош.



Ватан ҳимояси, юрт тинчлиги ва равнақи йўлида жасорат кўрсатган инсонлар хотираси қалбимизда барҳаёт. Фронтида ҳам, фронтортида ҳам сидқидилдан меҳнат қилган, тинчлик йўлида умрини бахшида этган фидойи ота-болаларимизни хотирлаш, ҳаёт бўлганларига эҳтиром кўрсатиш – юксак шараф, инсоний бурч, ҳам фарз, ҳам қарз.

Фронторти фахрийси Тўйчивой Ёрматов Сайрам қишлоғининг деҳқон оиласида дунёга келиб, суяги меҳнатда қотди. Эрта етим қолган Тўйчивойни Ирисмат бобоси тарбиясига олади. Ёшлигидан меҳнаткаш, абжир, уздабурро бўлиб улғаяди. У деҳқончилик ва хунармандчиликка меҳр қўйиб, ҳалол меҳнатни ҳаётининг бош мезонига айлантирди. 1929 йилда у “Қизил Октябрь” жамоа хўжалигига аъзо бўлиб, темирчилик устахонасида ускуналарни созловчи уста, кейинчалик галла ва пахта майдонларида мироб, хўжаликда бригадир бўлиб ишлайди.

Ватанимизга ёв бостириб кирганда соғлиги туфайли фронт ортида қолдирилади. Айнан шу йили у “Қизил Октябрь” жамоа хўжалигига раис этиб сайланади. Жамоа аҳли билан фидокорона меҳнат қилиб, Ғалабани яқинлаштиришга, эл-юрт фаровонлигига муносиб ҳисса қўшди. У бошқарган хўжалик ғаллачилик, пахтачилик ва

чорвачилик соҳалари бўйича туман, вилоят ва республика миқёсида юқори натижаларга эришади.

Урушдан кейинги йилларда тадбиркор раҳбар тотувлик ва бирлик, барака ва тирикчиликнинг асоси бўлган Қазигурт тоғидаги “Жайдақ” яйлов ерларини давлат тасарруфидан жамоа хўжалиги тасарруфига ўтказишга эришиб, чорвачилик соҳасини ривожлантиришга замин яратди. Бу яйловлардан қишлоқ аҳли кўп йиллар фойдаланди.

Заҳматкаш раиснинг яна бир савобга лойиқ ишларидан бири – Сайрам қишлоғини Шимкент шаҳри билан боғловчи, хўжалик ҳудудидан ўтадиган тор тупроқ йўли (ҳозирги Октябрь даҳаси, Ал Форобий кўчаси) кўл кучи ва ҳашар йўли билан кенгайтириб, тош йўлга айлантиришдаги хизматини таъкидлаш жоиз. Бугунги кунда ушбу йўл қишлоқ тараққиётида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шунингдек, тиниб-тинчимас раис

қишлоқда сув танқислиги муаммосини ҳал этиш мақсадида ҳашар йўли билан янги Ғўзахон аригини қаздириб, ишга туширди. Туман миқёсида биринчилар қаторида хўжаликда қуввати 100 киловатли электр станцияси, соатига 50 кг ун чиқарадиган икки тошли ун тегирмони қурилишида ҳам фаоллик кўрсатди. Хўжаликнинг моддий-техника базаси мустаҳкамланиб, аҳоли фаровонлиги яхшиланган, 300 кишига мўлжалланган клуб, тўрт йиллик мактаб учун янги бинолар қурилиб, фойдаланишга топширилди. Кўп ўтмай, “Қизил Октябрь” уруғлик пахта етиштирувчи хўжалик мақомини кўлга киритди.

Тўйчивой Ёрматовнинг фидокорона меҳнати, кўлга киритган ютуқлари муносиб баҳоланиб, “Хурмат белгиси” ордени, “Шавкатли меҳнати учун”, “Меҳнат фахрийси”, “Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалиги ютуқлари кўрғазмаси ғолиби” медаллари, фахрий ёрлиқлар билан тақдирланади.

Меҳнат фаолияти давомида у бир неча бор қишлоқ, туман, вилоят кенгашларига депутат, қишлоқ хўжалиги Фанлар академияси қурултойларига делегат этиб сайланган. Қўшни Ўзбекистон Республикаси Тошкент вилояти пахтакорлари ўртасида ўтказилган социалистик мусобақаларда ғолиб бўлиб, Усмон Юсупов, Йўлдош Охунбобоев каби сиёсий арбоблар қўли-



дан совринлар олган ҳамқишлоғимиз – фахримиздир.

Т. Ёрматов меҳнаткаш, меҳмондўст, камтар, санъатга ошно, етимпарвар инсон эди. У кўпга шогирдларга устозлик қилган, қийналган оилаларга ёрдам берган, қариндош-уруғларнинг суянича ва ишонган тоғи эди. Турмуш ўртоғи Ирисбуви ая билан 12 фарзандни тарбиялаб, элу юртига хизмат қиладиган инсон сафи-

га қўшган отахоннинг ҳамқишлоқлари бугунги кунда ҳам уни бот-бот ёдга олади.

Қишлоқ иқтисодиёти ва фаровонлигини юксалтиришдаги меҳнатлари эътиборга олинб, аҳоли манзилларидан бирига унинг номи берилиши фикримиз далили.

Мухтабар УСМОНОВА.

»»» Ҳидоят сари

Мақоламизда Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармасининг Шимкент шаҳри бош имоми ўринбосари, “Ақламас ата” масжиди имоми Исламқул Иманқулули ҳаж ва умра ибодатига оид диний масалаларга тўхталган. Бу суҳбат ҳаж ва умра сафарига отланаётган ҳамюртларимиз учун фойдали бўлади, деб умид қиламиз.

– Бугунги кунда Қозоғистонда ибодат қилиш, диний таълим олиш, ҳаж ва умра сафарларига бориш учун ҳамма шароитлар мавжуд. Лекин сўнгги пайтларда ушбу имкониятларни суиистеъмол қилиш ҳолатлари ҳам учрамоқда. Қолаверса, Каъбани тавоф қилишдаги тартибсиз ҳолатларга оид кўпга видеоолиб (ижтимоий тармоқларда ҳам) диққатимизни жалб этмоқда. Диний соҳа вакили сифатида бугунги зиёратларга юзага бериб ўтсангиз.

– Бисмиллаҳир Роҳмоний Роҳий! Аллоҳга ҳамду санолар, Пайғамбаримизга дуруду саволатлар бўлсин!

Ҳар йили минглаб қозоғистонлик биродарларимиз ҳаж ва умра ибодатларини адо этиб келишмоқда. Муборак сафарга отланиб, динимизнинг бешинчи рунки бўлган ҳаж ибодатини адо этишга кетаётганларга ёрдам тариқасида ҚМДБнинг muftiyat.kz сайтида “Ҳаж сафари қандай амалга оширилади?” мавзусида мақола чоп этилган. Ундан хоҳловчилар қимматли қўлланма ва сафари чоғида бир маънавий йўлдош сифатида фойдаланишлари мумкин.

Бугунги кунда ҳаж сафарига отланаётган ёки ҳаттоки, бориб келган айрим фуқароларимизда зиёратга тайёргарлик, умуман ибодатга оид билимлари оқсаётганига гувоҳ бўлмоқдамиз. Билим бўлмаган жойда, табиийки, адашиш ва хатоликлар юзага келади.

Мусулмонларнинг муқаддас шаҳри, “Умм ал – Қура”, яъни “Шаҳарларнинг онаси”, “ал-Балад ал-амин”, яъни “Хавфсиз шаҳар” Макка Мунавварага боришдан аввал унга ҳафсала ва ихлос билан тайёрланиб, зарур билимларни етарлича олиш даркор. Маълумки, Макка шаҳри Қизил денгиз соҳилидаги Жидда шаҳридан 74 чаккир жойда, тоғли минтақада жойлашган. Арофат, Муздалифа, Сафо ва Марва деган тоғлар (тепаликлар) шаҳар атрофида қад ростлаган. Бундан ташқари, Маккада Мақоми Иброҳим, Замзам булоғи мавжуд. Арофат тоғида туриб, тавба-тазарру қилинади, шукр ва ҳамдлар айтилади. Каъба муаззама атрофида эса тавоф қилинади.

Шунинг учун Макка Мукаррама зиёратини ихтиёр айлаган одам, шаҳар тарихини ҳам қисқача бўлса-да, билиши керак. Жумладан, Аллоҳ Таоло Макка номи билан Қўрғонда қасам ичган, Ўз уйи Каъбани шу шаҳарга жойлаштирган. Пайғамбаримиз Мухаммад (с.а.в.) у ерда таваллуд топган, Қўрғон Карим дастлаб шу шаҳарда нозил бўлди, бутун дунё намозхонлари қибла, яъни Маккага қараб намозини ўқийди. Шунинг учун бу шаҳарга сафар, ҳожилик пухта тайёргарлик талаб этади. Маккадан кейин яна, Мадина Мунавварадаги амаллар ҳам мавжудки, уларга алоҳида тўхталиш мумкин.


Қозоғистон фуқаролари улуғ сафарга чиқишларидан аввал ҳожиликнинг “таматту” деган турига ният

қилишади. “Таматту” сўзи луғатда “фойдаланиш”, “хузур қилиш” маъносини англатади. Тилимиздаги маъноси: махсус жойда, маълум вақтда, махсус амаллар ва махсус ибодатни адо этиш. Шаръий маъноси эса ҳаж қилинадиган ойлларда умра қилиш ва катта ҳаж бошланадиган кунга қадар Маккада туриб, ҳожиликни адо этиш деган тушунчани англатади. Диний бошқармамиз ҳожиликнинг бу тури осон ва қулай бўлгани учун уни қозоғистонликларга тавсия қилган.

– Ҳаж фарз қилинган, умра эса – ихтиёрӣ. Бу ибодатларнинг шартлари, фарзларига, ўзаро фарқларига тўхталсангиз.

– Аллоҳ Таоло Қўрғон Каримда: “Ҳаж ва умрани Аллоҳ учун комил

шартлари 8та: мусулмон бўлиш, баалоғатга ёшига етиш, эс-ҳушли, зоди роҳилага қодир бўлиши (ҳаж сарф-харажатлари), соғлом бўлиш, Ҳукумат ман қилмаган бўлиши, йўлда омонлик бўлиши, аёл кишининг маҳрами (иддада бўлмаглиги) бўлиши. Агар шу шартлардан биронтаси бўлмаса, ҳаж қабул бўлмайди. Ҳаж рунклари эҳром, Арофатда туриш, тавофдан иборат. Ушбу фарзлардан биронтаси бўлмаса ҳам, ҳаж ҳаж бўлмайди. Асосий вожиб амалларига келсак: Сафо ва Марва ўртасида 7 марта “саъй” қилинади, Муздалифада турилади, шайтонга тош отилади, соч олдирилади ва қисқартирилади, хотин-қизлар сочи ҳам қисқартирилади, уйга қайтиш олдидан Каъбани “тавофи видео” қилинади. Яна



адо этин”, дея марҳамат қилган. (Бақара сураси, 196-оят). Ҳаж ибодати ва унинг фазилатларига тўхталсак, Пайғамбаримиз Мухаммад (с.а.в.)дан келган Ҳадиси Шарифда: “(Адо этилган) умра ва кейинги умра, улар оралиғидаги қилинган (кичик) гуноҳлар учун каффоратдир. Мабрур (қабул бўлган) ҳажнинг мукофоти эса фақат жаннатдир”, деганлар.

Мусулмон одам ҳажга боришдан аввал, дастлаб, эътиқоддан чалғитувчи дунёвий ишлардан холи бўлмоғи даркор. Қолаверса, ҳажга мўмай пул, вақт ва куч-қувват сарфланади, шу боис ибодатлар тўғрилигини таъминлаш учун йўл-йўригини эринмай, яхшилаб ўрганиб олиши керак. Агар ўзи олим бўлса, ҳаж амалларини эслатувчи бир китоб кифоя, оддий одам бўлса, албатта, илмли йўлбошич керак. Кейин бировдан қарзи бўлмаглиги, имкон қадар, одамларга кўпроқ яхшиликлар қилиб, савоб йиғиб, ота-онаси тирик бўлса, уларнинг дуои-фотиҳасини олган ҳолда йўлга чиқиши зарур. Тилни ҳақоратомуз иборалардан ёки ножўя сўзлардан, ўзини тижорат ишларидан тийиши даркор. Динимизда ҳажнинг

шартлари 8та: мусулмон бўлиш, баалоғатга ёшига етиш, эс-ҳушли, зоди роҳилага қодир бўлиши (ҳаж сарф-харажатлари), соғлом бўлиш, Ҳукумат ман қилмаган бўлиши, йўлда омонлик бўлиши, аёл кишининг маҳрами (иддада бўлмаглиги) бўлиши. Агар шу шартлардан биронтаси бўлмаса, ҳаж қабул бўлмайди. Ҳаж рунклари эҳром, Арофатда туриш, тавофдан иборат. Ушбу фарзлардан биронтаси бўлмаса ҳам, ҳаж ҳаж бўлмайди. Асосий вожиб амалларига келсак: Сафо ва Марва ўртасида 7 марта “саъй” қилинади, Муздалифада турилади, шайтонга тош отилади, соч олдирилади ва қисқартирилади, хотин-қизлар сочи ҳам қисқартирилади, уйга қайтиш олдидан Каъбани “тавофи видео” қилинади. Яна

ҳамда ван неъмат лака вал мулк ла шарийка лак!”, дейишининг ўзида (“Лаббай Сенга, ё Аллоҳ, лаббай. Лаббай Сенга, Сеннинг шеригин йўқ, лаббай Сенга. Албатта, мактов, неъмат ва подшоҳлик Сенга хос. Сеннинг шеригин йўқ”) улуғ маъно бор. Оддий сўз билан айтганда, Худо нимани буюрса, қандай хизмат қилишни буюрса, “лаббай!”, деб жавоб берган ҳолда, ҳажга борилади. Яъни, Аллоҳнинг тақлифига биноан банд ҳажга ташриф буюрди, энди унинг хизматига шай туриши позимлигини англайди. Эҳром кийиш амали эса банд учун бу дунёни унутиш, Охиратни эслаш, Аллоҳнинг олдига борганда, “Мен тайёрман!”, деб, Унинг илоҳий қақриқларига тайёр туришликни билдиради. Лаббайка айтиш билан эҳром ҳукмларини адо этишга қиришган банданинг ҳолати худди Қиёматда Аллоҳнинг ҳузурини кийимсиз турган ҳолатини эслатади. Эҳром, аёлми, ёнида одам борми-йўқми, бу билан банданинг мутлақо иши бўлмай қоладиган Қиёмат хавфи...

Шу ҳолатга туриб, Каъба атрофини тавоф қилаётган пайтда шариатда аёл кишига маҳрам билан бориш талаби қўйилган. Эрлари ёки бошқа маҳрам эркаклар аёлларини пана қилиб, уларни ўзга, номаҳрам эркаклардан ҳимоя, яъни “сатр” қилишлари ниҳоятда зарур амалдир. Чунки бундай вазиятда кўпинча банд ўз-ўзини идора қила олмайди, ёнидагилар, яъни миллион-миллион ҳожилар билан иши бўлмай қолиши мумкин. Ҳаж мавсумида зиёратчилар сони 2 миллиондан ошиб кетади. Шу боис, айниқса, аёллар намозга кирган вақтда уларни йўқотиб қўйишдан эҳтиёт бўлиш лозим. Кейин ҳажда авратлар ёпиқ бўлиши тавоф шартларидандир. Лекин баъзи ҳолларда Қора тош, яъни Ҳажарул асвадга яқинлашиб, унга етиб олиш йўлида хотин-қизларнинг рўмоллари туриши кетади, бошқа жойлари ҳам очилиб қолиши мумкин. Чунки у ерда бетартиб, тикилинч, тирбандлик ниҳоятда катта... Шунда маҳрам эркаклар уларни ўраб, ёпиб, бошқаларнинг баданлари тегиб кетишдан ҳимоя қилиб туришлари шарт.

Афсуски, интернетда тарқалган видеоларда тўполон, эркак-аёлнинг аралашиб кетиши, ҳаттоки издиҳом бўлиб кетишларини кузатмоқдамиз. Ваҳоланки, тавоф қилишда аёллар учун алоҳида қондалар мавжуд. Тавоф бошланганда, аввалги учта айланмишда эркаклар тезроқ, яъни “пахлавон юриш” қилишлари керак. Қолган тўрттасида эса оддий юриш билан амални бажардилар. Аёллар эса тез юрмайди, балки 7та тавофда ҳам оҳиста ҳаракатлар билан амални адо этадилар. Тавоф пайтида хотин-қизлар, иложи борича, эркаклардан нарироқда, тикилинч жойларга кирмасдан, яқинлашмасдан, Каъбадан сал олисроқ юрганлари афзал. Яна безаниб, атирлар сеиб, тор, шаффоф, бошқа эркакларни ўзига жалб қиладиган кийимларни кийишдан эҳтиёт бўлишлари зарур.

Ҳажарул асвадга қўлларини қўйиб,

Н. МАВЛОНОВА.

»» Долзарб муаммо

БИРЛАШГАН ЭЛ БҮЛАР..

Шимкент шаҳрининг Сайрам мавзеси Маданият уйида ҚР «Дўстлик» ҳамжамияти қошидаги оқсоқоллар кенгаши раиси Орифжон Холназаров ташаббуси билан анжуман ўтди. Унда халқ хўжалигининг турли соҳаларида узоқ йиллар самарали меҳнат қилиб, эл-юрт эътиборини қозонган фахрий устозлар, таниқли тadbirkорлар, ёшлар иштирок этдилар.



Тadbirkор Қоратеп мавзеси оқсоқоллар кенгаши раиси Абдумутал Исроилов очди, кун тартибидеги масалалар юзасидан О. Холназаров маъруза қилди.

Оқсоқоллар кенгаши раиси ўз нутқида бугунги кунда айрим ҳолатлар жамиятни ташвишга солиб, жиддий ўйлантираётганини таъкидлади.

– Сўнгги йилларда топган маблағларимизни фарзандларимиз таълими, маънавий ва сиёсий онгини юксалтириш ёки ҳунар-қасб эгаллашга эмас, балки, тўй ва таъзия, турли кимошди маросимларга сарфламоқдамиз. Ўзбеклар азалдан ўзининг чиройли маданияти, санъати ва бой урф-одатлари,

муштақам миллий қадриятлари билан бошқа халқлардан ажралиб турган. Афсуски, сўнгги йилларда фойдали, урф-одатларимиз, удуларимиз билан бирга, кераксиз, ҳатто зарарли иллатлар ҳам кундалик ҳаётимизда кўпаймоқда. Ачинарлиси, бу каби иллатларнинг аксарияти оиламиз устуни бўлмиш аёлларимиз ва ёшларимиздан қийқпти. Аёлларимиз ортқча олди-бердини кўпайтирпти, ёшларимиз миллийликка зид урф-одатларни ўйлаб топмоқдалар. Жумладан, тўйдан аввал келин томонинг кувё уйини тўлиқ жихозлаб бериши, «куёв сотди»даги тартиб-сиёзликлар, тўйхонадаги «келин салом», ёшларга никоҳ гувоҳно-

масини топшириш, «муҳаббат рақси», куёв-келин томонидан тўй қатнашчиларига ширинлик едириш каби иллатлар ота-боболаримиздан қолган урф-одат эмас! Уларнинг аксарияти шариятимиз ва миллий одоб-ахлоқ қоидаларига мутлақо зид, – деди, О. Холназаров.

Нотиқ иштирокчилар эътиборини юқорида таъкидланган миллий маданият ва қадриятларимизни асраб-авайлаш зарурлигига қаратди. Унинг таъкидлашча, миллатларо дўстлик ва тотувликни муштақамлаш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, тўй ва маросимларни ортқча сарф-харажатларсиз чиройли ва мазмунли ўтказиш орқали

иллатларга қарши самарали чоралар қўллаш лозим.

Масжид имоми муҳокама қилинган урф-одатлар, аёллар ва ёшлар томонидан ўйлаб топилган айрим иллатларни «ота-боболаримиздан қолган удулар» дея иддао қилди. Лекин унинг фикрига А. Исроилов, «Сайрам ёшлари» кенгаши раиси Д. Туроббоев, ҚР олий кенгаши собиқ депутати А. Абдузимов, тadbirkор Н. Холметов, Б. Турдиқулов қўшилмай, ўз фикрларини баён қилдилар.

Шунингдек, тadbirkор ҳам-жамият раҳбарлигида олиб борилаётган ишлар юксак баҳоланди.

Ҳайитмат МУҲИДДИНОВ.

»» Тўйхат ўрнида

Аср билан юзлашган она

Аёл бир қўлида бешикни, бир қўлида дунёни тебратди, деган нақлда улуг ҳаётий ҳикмат мужассам. Зеро, аёл бор, ҳаёт бардавом, дунё обод. Аёл бор хонадонда, файзу барака, яратиш, гўзаллик устувор бўлади. Аллоҳ Таоло оналарни шундай яратганки, улар фарзандлари учун жондан ҳам кечади.

Бир парча этни авайлаб, ардоқлаб, бор меҳрини бағишлайдиган, энг оғир дамларда ҳам фарзанднинг бошини силаб, далда берадиган зот – онадир. Она! Табиатнинг буюк мўъжизаси, оила чароғбони, мурувват ва саховат тимсоли. Меҳр-оқибат, хайр-саховат, силаи-раҳм каби фазилатларни жисмимизга оқ сути билан сингдирган, биргина табассумимизга азиз умрини фидо қилишга тайёр олижаноб инсон – оналарсиз ҳаётни тасаввур этиш мушкул.

Бугун биз таъзиму эҳтиромга лойиқ, бир аср ёшини қарши олаётган табаррук она Ҳури Эгамбердиеванинг ҳаётига назар ташлаймиз.

Онахон 1926 йил февраль ойида Шимкент шаҳрининг Тельман даҳасида дунёга келган. Ҳури аянинг ёшлиги 30-йиллардаги очарчилик даврига тўғри келган. Бир бурда нонга муҳтож бўлган кунларни Ҳури ая ҳануз кўзида ёш билан эслайди. Мактабда ўқув қуроллари етишмас эди, аммо билимга бўлган иштиёқ кучли бўлган, дея хотирлайди у ўша йилларни. 15 ёшга қадам қўйган чоғида даҳшатли уруш бошланади. «Барчаси фронт учун!» шiori остида қишлоқдаги эркеклар Ватан ҳимоясига отланади. Оғир меҳнат юки хотин-қизлар зиммасига тушади. Мактабдаги эркек ўқитувчилар ҳам фронтга жўнаб кетгач, Ҳурининг яхши ўқиши эътиборга олинб, қисқа муддатли ўқитувчилар тайёрлов кур-

Оналар оёғи остидадур
Равзайи жаннату жинн боғи.
Равза боғи висолни истар эсанг,
Бўл онанинг оёғин тупроғи.

Алишер Навоий.

сабрли ва фидойи инсон сифатида камол топтирди.

Урушдан кейинги йиллар ҳам осон кечмади. Урушнинг оғир синовларини бошидан кечирган оналарнинг ҳаёти шонли тарихдир. Меҳнаткаш, тиришқок, иқтидорли Ҳури ая мактаб маъмурияти томонидан Туркистон шаҳридаги педагогика билим юртига йўлланма олди. Аммо, шу даврдаги



лоийқ бўлса, Ҳури аянинг ҳаёт йўли авлодларига ибрат мактаби бўлди. Ҳар қандай шароитда ҳам у шукроналик ҳисси билан яшади. Унинг меҳнатсеварлиги, билими, фидойилиги, ҳалоллиги, атрофдагиларга нисбатан меҳр-оқибати халқнинг эҳтиромига сазовор бўлди. Улуг Ватан уруши фахрийси Ҳури ая Эгамбердиеванинг фидокорона меҳнати турли даражадаги ташкилотлар томонидан муносиб баҳолалиб, фахрий ёрлиқлар, кўрак нишонлари ва пул мукофотлари билан тақдирланган. Шунингдек, Ғалабанинг 50, 60, 70 ва 80 йиллик юбилей медаллари ҳам шулар жумласидан.

Ҳури ая Маҳкамбой Эгамбердиев (марҳум) билан турмуш қуриб, бахтли ва фаровон ҳаёт кечиришди. Олижаноб, камтар, меҳнатсевар бу оиланинг икки нафар фарзанди, 8 нафар набира ва 28 нафар эваралар камолоти, она бахти ва ўзбек аёлининг муносиб сиймоси бўлишининг ёрқин намунаси. Табаррук ва эъозли Ҳури ая доимо юртимиз тинчлиги, оилалар фаровонлиги учун дуо қилади. Қариндош-уруғлари, шогирдлари Ҳури аянинг хонадонига тез-тез ташриф буюриб, меҳрибонлик ва тафаккурдан баҳраманд бўлишади.

Онахоннинг хонадонига ўзига хос муҳитни ҳис қиласиз. Дастурхон тўрида аср юзини кўраётган момонинг сочларини силаб, тиззасига бош қўйиб, эрканлаётган набиралар, фарзандлар бахтини кўриш завқли. «Шу ёшларида ҳам онамизнинг дуода ўтиришлари биз учун ҳар кунли байрам. У табиятан шунақа, шукрли, ҳар бир кунини невар-эваралар билан ўтказишни яхши кўради», дейишади келинлари.

Одамларга эзгулик, меҳр илиниб, машаққат йўлларини енгиб, саодат топган онахонга саломатлик, хотиржамлик, хайрли умр тилаймиз.

Мухтабар УСМОНОВА.



сига юборилади. У ўқишни тамомлаб қайтгач, мактабда дарс бера бошлайди. Ёш бўлишига қарамай, уруш заҳмати, фронтда жанг қилаётган юртдошлари жасорати, Ватанга муҳаббатни ўқувчилар қалбига сингдиришга ҳаракат қилди. Сабр, шукр ва ёруғ келажакка ишонч руҳида тарбия берди. Дарслардан сўнг болалар билан бирга дала ишларида – пичан ўриш, хўкиз аравада ер ҳайдаш, бугдой машогини териш каби машаққатли ишларда камарбаста бўлди.

онги эскилик сарқитларидан қутула олмаган баъзи инсонларнинг тазийқи туфайли ўқишга боролмайди. Мактабдан ташқари, қишлоқдаги жамоа хўжалигида ҳам меҳнат қилаётган Ҳури ая бухгалтерлар тайёрлов курсини тамомлаб, ҳисобчи, кейинчалик бош ҳисобчи ҳам бўлиб ишлади. Сўнг жамоа хўжалигининг шаҳардаги мева-сабзавот дўконига сотувчилик қилди ва нафақага чиққунга қадар ушбу соҳада ишлади.

Фронторти меҳнаткашларининг фидокорона меҳнатлари ҳар қандай таҳсинга

Шоҳдод

Андоқ қариким, йўқ анда ойини хирад,
Ул ёш ортуқки, топди талқини хирад.

Алишер НАВОЙИ.

(Маъноси: ақлли бўлмаган кексадан, ақлли ёш яхши).

ФОЖИАМИЗ...

Армани:
– Сизга ким керак, азишим? «Қоровул Петросян» дейсизми? Ваҳ-ваҳ-ваҳ! У қоровул эмас, академик! Дошишманд одам! Юринг, уйини кўрсатаман. Яқинда икки қаватли уй солди, азамат!

Гуржи (грузин):
– Кимни сўраяпсиз, батано? «Этикдўз, Панжикидзе?» О-о-о! У этикдўз эмас, академик! Бунақа дошишманд одам юз йилда бир марта тугулади! Юринг, дачасига олиб бориб кўяман. Уч қаватли дача қуряпти, азамат!

Ўзбек:
– Нима? Ким дейсиз! «Академик Алижонип»? Ҳеч қанақа академик эмас у! Қоровулчалик саводи йўқ! Фирт аҳмоқ одам. Поракхўр! Урикзорда данғиллама иморат соляпти. Шунча пулни қаёқдан олади? Умуман... мен ҳеч қанақа Алижонип-палжонипни танимайман!

Ўткир ҲОШИМОВ.

АСЛ ҲАҚИҚАТЛАР

Яхши журналист бўлиш учун, аввало, яхши одам бўлиш керак. Емон одамлар бу касбда узоқ қола олмайди.

Ришард КАПУСТИНСКИЙ, журналист.

– Ким кўпроқ рост гапирди?
Душманлар...
– Ким кўпроқ ёлгон сўзлайди?
Дўстлар ва севишганлар...
Тоҳир МАЛИК.

ЎТКАН КУНЛАР

Шоҳсатрлар

«Севаман» дейилмасди бизнинг пайтлари,
Одоб чегарасин ўтмасдик бузиб.
Ҳаёя айлар эдик «Ўткан кунлар»ни,
Керакли сўзларнинг остини чизиб.

Эркин ВОҲИДОВ.

ЖАҲОН ХАЛҚЛАРИ МАҚОЛЛАРИ

• Айтган сўзларинг қули бўлиб қолмаслик учун оғзингга хўжайин бўл.
• Худо саҳар турган одамга ёрдам беради.
• Узук кетар, бармоқ қолар.
• Ип ингичка жойидан узилади.
• Ҳамма кўрпани ўзига тортади.
• Бўш қалла – шайтоннинг уяси.
• Кўрлар юртида бир кўз-ли ҳам қирол.

БРАЗИЛ МАҚОЛЛАРИ.

Икки нарсани сенинг кимлигингни билдиради:
Ҳеч нарсанг йўқ экан, кўрсатган сабринг.
Ҳар нарсанг бор экан, кўргизаётган муносабатинг.

Мавлоно РУМИЙ.

Хато қилиш инсонга хос хусусият, ўз хатоингни бошқа бировга тўнкай олиш эса икки қарра ўзига хос хусусиятдир.

Габриэль Гарсиа МАРКЕС.

»» Таботат

КўПРОҚ БАЛИҚ ЕЙИШ УЧУН 8та САБАБ

• Юрак касалликлари хавфини камайтиради.
• Таркиби Д витаминига бой.
• Кўриш қобилияти учун фойдали.
• Уйқуни яхшилайди.

• Ревматоидли артритни енгиллаштиради.
• Холестерин даражасини пасайтиради.
• Қон босимини пасайтиради.
• Жигар учун фойдали.

БОДОМ ЁГИ ТАНУ-ЖОННИНГ РОҲАТИ

Бодом ёғи юздаги ажинлар, теридаги доғларни кетказди, кўриш қобилиятини яхшилайди, асабни тинчлантиради, буйрак, қовуқ ва ўт қоғидаги тошларни майдалайди, умуртқа поғонаси ва мўшакларни тузлардан тозалайди, буйрак ва сийдик қоғи шамоллашини кетказди, мияда қон айланишини яхшилайди.

Бодом ёғи 1 чой қошиқдан 3 маҳал ичилади.

Мухтабар УСМОНОВА.

Директор – Бош муҳаррир Райимжон Ортиқбой ўғли АЛИБОВЕВ.

Бош муҳаррир ўринбосарлари: Муроджон АБУБАКИРОВ, Авазхон БҮРОНБОВЕВ.

Масъул котиба – Шаҳноза УСМОНОВА.

Масъул шахслар:

Туркистон, Саврон – Шомира МАДАЛИЕВ. +7701-610-51-22
Қазигурт – Хуршид ҚУЧҚОРОВ. +7701-447-37-42
Сайрам – Зокиржон МҲМИНЖОНОВ. +7702-278-96-90
Тулкитбош – Мунира САЪДУЛЛАЕВА. +7747-144-60-71
Жетисай, Мақтарал – Мухтабар УСМОНОВА. +7701-257-36-97
Келес, Саригоч – Малика ЭПТОЕВА. +7702-841-78-82
Кентов, Сўзоқ – Рўзиохун МАДАЛИЕВ. +7708-824-20-97

Муассис – Туркистон вилояти ҳокимлиги.
Мулк эгаси – «Жанубий Қозғоғистон» вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририяти» масъулияти чекланган биродарлиги.

Газета ҚР Маданият ва ахборот вазирлиги томонидан 2020 йил 21 апрелда рўйхатга олинб, КЗ34VPY00022503 гувоҳнома берилган.

«ЕРНУР-ПРИНТ» МЧБ босмахонасида chop этилди.
Шимкент шаҳри, Т. Алимуқов кўчаси, 22.

МАНЗИЛИМИЗ:
160000, Шимкент шаҳри,
Тауке хан шоҳқўчаси, 49-уй, 3-қават.
Телефон: 78-13-27, +7778-618-39-05.
Электрон почта: janubiy@inbox.ru

Нашир кўрсаткичи – 65466. Адади – 10650 нуска.

Бўғим № 270. Навбатчи муҳаррир: Мунира САЪДУЛЛАЕВА.

Қозғоғистон Республикасида тарқатилади.